



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI QUMQO'RG'ON TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

Qumqo'rg'on tumani, O'zbekiston shoh ko'chasi 1-uy. 190900, tel.: (+99876) 46-52-511, qumhok@exat.uz

2021-yil “9” mарт

Қ-350 -son

Qumqo'rg'on t.

Тумандаги “Истиклол” маҳалласи худудидан фуқаро Холбоев Ғанишер Бўри ўғлига деҳқон хўжалиги юритиш учун 0,50 гектар яйлов ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6, 55-моддаларига асосан, Ер майдонлари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2021 йил 20 февралдаги далолатномаси, туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимининг 2021 йил 20 февралдаги хулосасини ўрганиб чиқиб, фуқаро Холбоев Ғанишернинг аризасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонунининг 5, 8-моддаларига ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 10-моддаларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Ер майдонлари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2021 йил 20 февралдаги далолатномаси тасдиқлансин.

2. Тумандаги “Истиклол” маҳалласи худудидан хўжалик харитасида 339к-дала контурда жойлашган туман ҳокимлиги захира ер майдонидан фуқаро Холбоев Ғанишерга деҳқон хўжалиги юритиш учун 0,50 гектар яйлов ер майдони умрбод эгалик қилиш учун ажратиб берилсин.

3. Деҳқон хўжалиги бошлиғи Холбоев Ғанишер зиммасига Ўзбекистон Республикаси “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонун талабларига риоя қилиш ҳамда ажратилган ер майдонидан самарали фойдаланиш, бино ва иншоотлар қурмаслик фақат қишлоқ хўжалиги ва экспортбоп маҳсулотларини етиштириш ва ҳар йили экспорт қилиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36-моддаси талабига асосан ажратилган ер майдонидан белгиланганидан бошқа мақсадда

фойдаланганда мазкур қарор бекор қилиниб, ер майдони қайтариб олиниши белгилаб қўйилсин.


5. Кадастр агентлиги Қумқўрғон туман бўлими бошлиғи (Х.Йўлдошев)га, туман захира ер майдонига тегишли ўзгартириш киритиш вазифаси юклатилсин.

6. Туман Давлат солиқ инспекцияси (З.Турсунов)га туман статистика бўлими (Ш.Аллаёров)га “Истиқлол” МФЙ (Қ.Қароров)ларга янги ташкил этилган деҳқон хўжалигини руйхатга олиш вазифаси юклатилсин.

7. Мазкур қарор ижросини назорат қилишни туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Қ.Алматов ва Кадастр агентлиги Қумқўрғон туман бўлими бошлиғи Х.Йўлдошевлар зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Р.Гаппаров



ДАЛОЛАТНОМА

“20 ” феврал 2021 йил

Қумқўрғон т

Бизлар ким, далолатнома тузиб имзо чекувчилар: Гуруҳ раиси-Р.Гаппаров туман ҳокими, гуруҳ раиси ўринбосари Қ.Алматов-туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, А.Самадов-туман фермер, деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси, Х.Йўлдошев-Кадастр агентлиги Қумқўрғон туман бўлими бошлиғи, З.Турсунов-туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи, Ш.Аллаяров-туман статистика бўлими бошлиғи, Б.Исмамов-вилоят экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси Қумқўрғон туман бўлими бошлиғи, Ш.Бўтаев-туман давлат хизматлари маркази бошлиғи, Э.Ишнӣёзов-“Агрокимёхимоя” АЖ Қумқўрғон туман филиали мудир, Р.Мирзаев-Кадастр агентлиги Қумқўрғон туман бўлими мутахассиси, Жарқўрғон туман “Офтоб кўрғон” маҳалласида яшовчи фуқаро Холбоев Ғанишерлар бўлиб тузамиз. Ушбу далолатномани шу ҳақдаким, “Истиклол” маҳалласида яшовчи фуқаро Холбоев Ғанишерга “Истиклол” маҳалласи худудидан хўжалик харитасининг 339к-дала контурда жойлашган 0,50 гектар яйлов ер майдонини деҳқон хўжалиги юритиш учун ажратиб бериш тўғрисида

Танланаётган ер майдони чегараси Шимолий томони аҳоли яшаш пункти билан, Жанубий-Шарқ аҳоли яшаш пункти билан, Шимолий-Ғарб томони кўча билан чегарадош.

Ишчи гуруҳ хулосаси

Танлаб ва ажратилаётган ер майдони ёнғинга қарши, санитария, экологик ҳолатлари қурилиши (СНиП) нормаларига тўлиқ жавоб беради.

Ушбу далолатноманинг тасдиғини туман Ҳокимидан сўраб имзо чекувчилар:

Комиссия раиси:

Р.Гаппаров

А Ъ З О Л А Р И:

Қ.Алматов

А.Самадов

Х.Йўлдошев

З.Турсунов

Ш.Аллаяров

Б.Исмамов

Ш.Бўтаев

Э.Ишнӣёзов

Р.Мирзаев

Ғ.Холбоев



Кадастр агентлиги Кумкўрғон туман бўлимининг тумандаги Истиқлол” маҳалласида яшовчи фуқаро Холбоев Ғанишерга “Истиқлол” маҳалласи худудидан хўжалик харитасининг 339қ-дала контурда жойлашган 0,50 гектар яйлов ер майдонини деҳқон хўжалиги юритиш учун ажратиб бериш тўғрисида

ХУЛОСАСИ

2021 йил “ 20” феврал

Кумкўрғон т.

Кадастр агентлиги Кумкўрғон туман бўлимининг “Истиқлол” маҳалласи худудидан хўжалик харитасининг 339қ-дала контурда жойлашган 0,50 гектар яйлов ер майдонини деҳқон хўжалиги юритиш учун ажратиб бериш тўғрисида

Кадастр агентлиги Кумкўрғон туман бўлими мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилди.

Танланаётган ер майдонининг ҳамма шароитларини инобатга олган ҳолда “Истиқлол” маҳалласи худудидан хўжалик харитасининг 339қ-дала контурда жойлашган 0,50 гектар яйлов ер майдонини деҳқон хўжалиги юритиш учун ажратиб бериш мақсадга мувофиқ деб топилди ва ҳамма техник, санитария, табиатни муҳофаза қилиш, ёнғинга қарши ер ости ва ер усти инженерлик коммуникациялари ўтказилмаганлигига жавоб беради.

Танланаётган ер майдони тўғрисидаги далолатнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 27 майдаги 248-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга асосланган ҳолда тайёрланган

Далолатнома туман Ҳокимлиги қошидаги доимий ишчи гуруҳи орқали имзоланган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими ушбу ҳужжатларни туман Ҳокимлигида кўриб чиқилиб тасдиқлашга ҳавола этади.

Кадастр агентлиги Кумкўрғон туман
бўлими бошлиғи:



Х.Йўлдошев

Ўзбекистон Республикаси
Хокими Р. Б. Гаппарова
Жаргурсок тумани
«Фурсат Ўзбекистон» маҳалла-
сида яшовчи фуқаро
Холдоев Ганшиер
То.моҳиран
Телеф: (+99) - 380-06-66

Ариза

Эзизимиз ушбу аризани шу ҳақида қил
менга туман хокимлиги захирасидаги яшов
ер майдонидан дехон хўжалиги учун ер
майдон ажратиб беришингизни сўрайман

Холдоев Ганшиер Х.Ф.

15 EG ON TUSARI HOMILOR	SANIFALAR SONI	
	KIRISH №	211/01-41
	TANASI	26.01.21

Surxondaryo viloyati Qumqo'rg'on
tuman fermer, dehqon xo'jaliklari va
tomorqa yer egalari Kengashi

190900, Surxondaryo viloyati, Qumqo'rg'on tumani, O'zbekiston shox
ko'chasi 3-uy



Сурхондарё вилояти Қумқўрғон
туман фермер, деҳқон
хўжаликлари ва томорқа ер
эгалари Кенгаши

190900, Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани, Ўзбекистон шох
кўчаси 3- уй

2021 йил «28» январь

Қумқўрғон тумани

№ 63/а

Сурхондарё вилоят Қумқўрғон тумани фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа
ер эгалари Кенгашининг Жарқўрғон тумани “Офтоб қўрғон” маҳалласида
яшовчи фуқаро Холбоев Ғанишерга деҳқон хўжалиги учун ер ажратиш
муносиб ёки номуносиблиги ҳақида (Қайта ўрганиб чиқиб)

ХУЛОСА СИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 15-
декабрдаги “фермер хўжалиklarини юритиш учун берилган ер участкалари
майдонларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 362-сонли қарори ва
1998 йил 30 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “Деҳқон
хўжалиги” тўғрисидаги қарорларига кўра Холбоев Ғанишерга деҳқон хўжалиги
юритиш учун ер майдони (участкалари) берилишига муносиб ёки номуносиблиги
бўйича, Қумқўрғон тумани фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари
Кенгаши хулоса бериш учун ўтказган суриштирув текширув натижасида
қуйидагиларни аниқлади.

1. Меҳнат дафтарчасига кўра иш стажи йил, қишлоқ хўжалигида тажрибаси
бор.

2. Маълумоти ўрта-махсус, механик

3. Талабгорнинг 2 бош қорамоли ва 10 бош қўйи мавжуд.

4. Талабгорнинг техникаси мавжуд эмас.

5. Талабгорнинг 3 та ишчи кучи мавжуд.

6. Талабгорнинг томорқаси мавжуд эмас

7. Талабгорнинг иқтисодий асосланган бизнес режасига кўра талабгор деҳқон
хўжалиги ер майдонига сабзаёт экинлари экиб, ички бозорга сифатли
маҳсулотлар етказиш, юқори даромад олиш ва янги иш ўрин яратиш.

Юқоридагиларга кўра, туман фермерлар Кенгаши қуйидаги хулосага келди.

Жарқўрғон тумани “Офтоб қўрғон” маҳалласида яшовчи Холбоев Ғанишерга
Қумқўрғон ҳудудидан деҳқон хўжалиги юритиш учун ер (участкалари)
ажратилишига **МУНОСИБ.**

Ушбу хулоса аризалар билан биргаликда туман “Ер участкалари бериш
(реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси”га юборилсин.

Қумқўрғон тумани фермер, деҳқон
хўжаликлари ва томорқа ер эгалари
Кенгаши раиси :


211/01-41
26.01.2021 й

А.Самадов

“Истиқлол” маҳалласи худудидан фуқаро Холбоев Ғанишерга дехқон хўжалиги юритиш учун ажратилаётган ер майдонинг хўжалик харитасидан

КЎЧИРМАСИ

МИКЁС 1:10000



ШАРТЛИ БЕЛГИ -



Ажратилаётган ер майдони .

Кадастр агентлиги Қумқўрғон туман
бўлими бошлиғи :

Ҳ.Йўлдошев

Худуд ер тузувчиси:

Р.Мирзаев